



Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (13.943)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗАРО ИШОНЧ – ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида иштирок этиш учун 14-15 июнь кунлари Душанбе шаҳрида бўлди.

Душанбе, 15 июнь.
ЎЗА махсус муҳбири **Матназар ЭЛМУРОДОВ**
хабар қилади.

Осиё – турли дин ва маданиятлар бешиги, улкан табиий ресурсларга бой, инсон капитали ва иқтисодий жиҳатдан жуда тез ўсаётган минтақа. Жаҳонда глобаллашув кескин тус олган бугунги кунда китъа давлатларини қатор муаммолар ва турли кўринишдаги таҳдидлардан холи, деб бўлмайди.

Жумладан, халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси ва трансмиллий жиноятчилик, иқтисодий бұхронлар, экологик ва гуманитар инқирозлар китъа мамлакатлари олдига ўзаро ва кўп томонлама сиёсий мулоқотлар орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишга эришиш мақсадларини қўйиладди. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) шу жиҳатдан давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро платформа саналади.

Минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқиш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, терроризмнинг барча шакл ва кўринишлари, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ОХИЧКнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Кенгашга бугунги кунда Осиё китъаси ҳудуди ва аҳолисининг 90 фоизини қамраган 27 давлат аъзо. Сақиз мамлакат ва бешта нуфузли халқаро тузилма, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Туркий тили мамлакатлар Парламент ассамблеяси унинг қузатувчиларидир.

Хар тўрт йилда ўтайдиган кенгаш саммитига шу вақтга қадар Қозғоғистон, Туркия ва Хитой Халқ Республикаси раислик қилган. 2018–2020 йилларда Тожикистон Республикаси кенгаш раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммити "Хавфсиз ва янада раванг топган минтақа сари ягона ёндашув" мавзусида ташкил этилди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 15 июнь кунини Душанбе шаҳридаги "Кўчи Наврўз" саройида бўлиб ўтди. Унда кенгашга аъзо ва қузатувчи мамлакатлар, шунинг-

дек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари-дан иборат 30 дан зиёд делегация иштирок этди.

Дастлаб делегациялар раҳбарлари суратга тушиш маросимида қатнашди. Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон саммитни кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида нутқ сўзлади ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланаётганини таъкидлади. Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё китъаси мамлакатлари жиддий хатарларга дуч келмоқда. Бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

Бугунги кунда жаҳон ишонч инқирозига юз тутмоқда. Аслида, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир. Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантиришга қулай шароит яратиш зарур. Шу муносабат билан ўзаро ҳурмат ва жамоавий масъулиятга асосланган кенгашимиз фаолияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб бормоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик бўлиминс, ишонч унинг фундаментал асоси эканини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тинчликка эришишга қаратилган ҳар қандай форматдаги музокара-ларни қўллаб-қувватлашни таъкидлади. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар очади.

Ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим шартларидан.

Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамб-

леясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинган, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон фан, таълим соҳаларидаги ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлишга тайёр эканини билдирди. Мамлакатимиз халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштиришни муҳим деб ҳисоблайди.

Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг ошишига хизмат қилади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишни тақлиф этди.

Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали платформа бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланди.

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва минтақавий савдонини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳаларига эътибор қаратиш лозим.

Шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади. Ушбу соҳада Хамкорлик концепциясига мувофиқ, Кичик бизнес бўйича минтақавий форум таъсис этишни тақлиф этамиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Саммитда кенгашга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштириш юзасидан ўз қарашларини баён этди. Бу борадаги яқдид ёндашувлар, амалий саъй-ҳаракатлар китъа мамлакатлари ва халқлари фаровонлиги, тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бешинчи саммитининг декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдул Хамидни қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINI SHAVKAT MIRZIYEVNING OSIYDA HAMKORLIK VA ISHONCH CHORALARI BUIYICHA KENGASHNING BESHINCHI SAMMITIDAGI NUTQI

(Душанбе шаҳри, Тожикистон Республикаси, 2019 йил 15 июнь)

Муҳтарам Эмомали Шарипович!
Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга Саммитни юксак даражада ташкил этгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Бугунги кунда Кенгаш Осиёда умумий ва бўлинмас хавфсизлик ҳудуди яратиш учун нуфузли халқаро платформа ҳисобланади.

Хурматли Саммит иштирокчилари!
Замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланади.

Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё китъаси мамлакатлари жиддий хатарларга дуч келмоқда.

Бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

Бироқ энг муҳими, бугунги кунда жаҳон ишонч инқирозига юз тутмоқда. Зеро, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир.

Барчамиз жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим экспертлар, у ҳатто ошқора қуроли тўқнашувга айланиб кетиш эҳтимолини ҳам инкор этмайди.

Энг даҳшатлиси, жамоат онгида ушбу глобал хатарнинг улкан хавфини ҳис қилиш су-сайиб бормоқда.

Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарур.

Шу муносабат билан ўзаро ҳурмат ва жамоавий масъулиятга асосланган кенгашимиз фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Осиёда ишонч муҳити ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

Биринчидан, Афғонистондаги вазият-ни тартибга солиш Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

Биз тинчликка эришишга қаратилган ҳар қандай форматдаги музокара-ларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бу борада Россия, Хитой ва Қўшма Штатлар иштирокида Афғонистон бўйича уч томонлама учрашувлар натижаларини мамнуният билан қайд этамиз.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар яратишини алоҳида қайд этмоқчиман.

Иккинчидан, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Бизнинг ташаббусимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинган, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция ишлаб чиқилмоқда.

Биз фан, таълим соҳалари ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлишга тайёрмиз. Халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштиришни муҳим деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Учинчидан, динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятлар-ни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишни тақлиф қиламиз.

Хусусан, Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқандда-ги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тўртинчидан, ўзаро иқтисодий алоқалар ва минтақавий савдонини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳалари ҳақида сўз бормоқда.

Бешинчидан, шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади.

Хамкорлик концепциясига мувофиқ, ушбу соҳада Кичик бизнес бўйича минтақавий форум таъсис этишни тақлиф қиламиз.

Ва ниҳоят, бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар ҳам хавфсизлик ва барқарор тараққиётга жиддий

таҳдиддир. Орол муаммоси глобал микёс-даги экологик ва гуманитар ҳалокатдир. У алақачон Оролбўйи аҳолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ аяқчи оқибатларга олиб келди.

Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Айни шу мақсадда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида донорлик маб-лағларини жалб қилиш ва Оролбўйи мин-тақасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилди.

Муҳтарам делегациялар раҳбарлари!
Хурматли Кенгаш иштирокчилари!
Барчамиз **хавфсизлик – яқлит тушун-ча ва ишонч эса унинг фундаментал асо-си** эканини яқши англаймиз.

Бу борада Осиё минтақасидаги ҳамкор-ликнинг мавжуд динамикасини сақлаб қолиш муҳим.

Хамкорликда изланиш ва ўзаро манфа-атли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш син-гари эзгу мақсадларимизга эришиш имко-нини беради.

Эътиборингиз учун раҳмат.

XXI савдоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги маълумотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сов-рини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Та-шаббус" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи яқунланди. "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар махсулотларининг кўргазма-си билан бошланди. Фолибларни аниқлашда на-фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, балки маҳ-сулотнинг сифати, рақобатбардошлиги ва экс-

ЖАҲОНДА

- АҚШнинг Детройт шаҳрида "Форд" авто-билсозлик компанияси шоҳобчаларининг бирда ишлаб чиқилган FUSION HYBRID русумли ҳайдовчи-сиз ҳаракатланадиган машинанинг тақдими ўтқа-зилди. Таксимланган сенсор ва радар билан жи-ҳозланган янги машинанинг сотуви АҚШнинг беш-та шаҳрида йўлга қўйилди. Ҳозирда бу каби янги турдаги замонавий машиналарни кенг қўламда иш-лаб чиқариш юзасидан Германиянинг "Фольксваген" компанияси билан музокара-лар олиб боришмоқда.
- Хитойнинг жанубий ва марказий ҳудудларида кучли жала қуйиши натижасида сув тошқинлари руй бериб, табиий офат 61 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 9400 та ўй-жойлар кулаб тушди. Катта май-донлардаги қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етди. Сув тошқинларидан қўрилган умумий зарар 13 мил-лиард юан (2 миллиард долларни) ташкил этди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Тошкент – Ангрн – Тошкент электропоезд қатнови йўлга қўйилди.
- Яккасарой туманидаги 125-мактабга таълим муассасасида ўтказилган маданий-маърифий байрам тадбири "Хайр боғчам – салом мактаб" деб номланди.
- Миллий матбуот марказида "Ҳар бир мурожаат – эътиборда" мавзусида анжуман Молия вазирлиги раҳбарияти томонидан уюштирилди.
- Учтепа туманидаги "Қўрмақобод" маҳалласи гузарига "Ўз уйингни – ўзинг асра" шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар якуни бўйича 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.

2018 йил Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон йилида мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм алоқаларини ривожлантириш бўйича қатор тadbирлар ташкилланган. Ўзбекистонда кенг нишонланаётган Қозоғистон йили доирасида ҳам мазкур йўналишларда янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Икки давлат раҳбарлари жорий йил апрель ойда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда иштирок этаркан, мазкур йиллик тadbир халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, азаллик дўстликни улуғлашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутганини қайд этдилар.

Ушбу фикр ва дўстлик ришталари самараларига бўлган юксак ишонч Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасида 2018 йилда ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида икки мамлакат олий вакиллик органлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро мулоқот ва учрашувлар, турли даражадаги ташрифларни фаоллаштириш кўзда тутилган.

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегация 5-7 июнь кунлари ташриф билан мамлакатимизда бўлди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси аъзоси Қодир Жўраев. – Президент Шавкат Мирзиёев делегация аъзолари билан учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллашти-

риш бўйича қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, қонун чиқарувчи органлар қўмиталари даражасида ҳам алоқаларни йўлга қўйиш, парламентларо дўстлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигини қайд этди. Ушбу таклифлар Ўзбекистонда нишонланаётган Қозоғистон йили доирасида ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Шу йил пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро туристик кўргазмасида ҳам қозоғистонлик вакиллар иштироки кутилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи ярмида эса Ўзбекистон – Қозоғистон туристик форумини ташкил этиш режалаштирилган – барча саъй-ҳаракатлар халқаро ўртасидаги маданий алмашинуви мустаҳкамлаш ва икки мамлакат туризм салоҳиятини биргаликда илгари суришга қаратилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ТАШАБУСЛАР

Икки давлат ўртасида туризм алоқаларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида Ўзбекистонга келган қозоғистонлик сайёҳлар сони 2018 йилда 2 миллиондан ортди. Бу кўрсаткич ўтган йили мамлакатимизга келган яна туристларнинг салкам 30 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қозоғистон Республикаси Туризм саноти қўмитаси ва “Kazakhstan Tourism” миллий компанияси билан фаол ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки мамлакат туризм компанияларининг Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўтказилган туристик ярмаркалар ва тadbирларда иштироки таъминланмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг февраль ойда Бухоро шаҳрида ўтган Зибрат туризм бўйича биринчи халқаро форумда Қозоғистоннинг туризм соҳасида фаолият юритадиган қатор расмий ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Яқин истиқболда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги “Миллий PR-маркази” билан “Kazakhstan Tourism” миллий компанияси ўртасида имзоланадиган ҳамкорликка доир ҳужжат бу борадаги мақсадлар сари яна бир қадам бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат, туризм, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қисқа вақтда ўзаро савдо ҳамжи оқори сурьатларда ўсиб, 2017 йилда 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич қарийб 50 фоизга ўсди. 2019 йилда икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш ва ўзаро товар айрибошлаш ҳамжони 5 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Бунда Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ташкил этилаётган қўшма бизнес-форумлар, В2В шаклидаги музокаралар, янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш алоҳида ўрин тутди.

Тошкентда Ўзбекистон – Хитой савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида фронтал юк ортиш техникалари соҳасида халқаро тadbир бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

ФРОНТАЛ ЮК ОРТИШ ТЕХНИКАЛАРИ СОҲАСИДАГИ КЕЛИШУВЛАР

Хитой Халқ Республикасининг “XCMG” (Xuzhou Construction Machinery Group) корпорацияси ва мамлакатимиздаги “Technika Advans Servis” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда мамлакатимиз ва ҳамкор Хитой томони юк ташиш техникаси ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тadbирда транспорт-логистика, транзит ва юк ташишдаги самарадорликни оширишга хизмат қиладиган техникалар тақдими, ушбу йўналишдаги Ўзбекистон – Хитой бизнес доира вакиллари ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Хитойнинг “XCMG” корхоналар тармоғи махсус техника ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 5-ўринни эгаллайди. Корпорация тузилмаси 26 та шўба корхона ва 5 та илмий-тадқиқот марказидан иборат. “XCMG” махсулот сотиш тармоғи дунёнинг 183 мамлакатини қамраб олган. Йиллик экспорт ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан зиёд. Компания ўтган йиллар давомида Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги тарихи узок ўтмишга бориб тақалади, – дейди “XCMG” корпорацияси вице-президенти Ван Цинжу. – Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ўзаро муносабатларда янги саҳифа очди. Ўзбекистонда бизнес юришти учун яратилаётган шароит, қулай инвестицион муҳит хорижлик ишбилармонлар қатори сининг ҳам мамлакатимизда бизнес юриштига бўлган қизиқишимизни тобора оширмоқда. Ташрифимиз доирасида бизнес ҳамкорлигининг янги йўналишлари бўйича шериклик масалаларини муҳокама қилди.

“XCMG” фронтал юк ортиш техникалари қўчмас мулк, нефтьга объектлари, йўл ва сув иншоотлари қурилишида, шунингдек, электрлаштириш, фойдаланиш қўрилмадини қидириш, қазиб олиш, инфратузилмани модернизация қилишда кенг фойдаланилади. Компания махсулотларига бўлган оқори талаб нафақат сифат кўрсаткичлари, балки сервис хизмати мавжудлиги билан ҳам боғлиқ. Бугунги кунда ҳамкорлик доирасида кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Махаллий кадрларнинг Хитойдаги XCMG заводларида, ихтисослаштирилган ўқув марказларида мунтазам равишда тажриба алмашишлари ташкил қилинмоқда.

Анжуманда уй-жой фонди объектларини модернизация қилиш, таъмирлаш ва қуриш соҳасида зарур техникаларни етказиб бериш бўйича “XCMG” корпорацияси билан мамлакатимиздаги “Technika Advans Servis” компанияси ўртасида икки томонлама битим имзоланди.

Шериклик алоқаларини янада кенгайтириш, хусусан, 2019 йилда “XCMG” фронтал юк ортиш техникалари янгиланган тармоғини ишлаб чиқариш ва Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича режалар белгилаб олинди.

Файрат ХОННАЗАРОВ

ЯНГИ УҒҚЛАР ВА КЕЛАЖАҚДАГИ РЕЖАЛАР

Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Ислом хусусий секторини ривожлантириш корпорацияси ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ўртасида “Исломий дарча”ни татбиқ этиш мақсадида маспаҳат хизматларини кўрсатган ҳолда техник қўмаклашиш бўйича битим имзоланди.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши корпорация ижрочи директори Айман Сежини бошчилигидаги ИХСРК делегациясининг Ўзбекистон Республикасида расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтди.

Делегациянинг ташрифи давомида корпорация вакиллари томонидан молия муассасалари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиб масалаларига қизқиш билдирилди. Бу эса истиқболда корпорациянинг мамлакатимизда самарали фаолият юритиши учун платформани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, ИХСРК “Ўзсаноатқурилишбанк”га “Ислом банкнинг” дарчаси ваколатига кирувчи масалалар – молиявий ҳисобот юритиш, акборот технологиялари, маркетинг ва коммуникациялар, кадрларни бошқариш ҳамда ҳуқуқий томонлама қўмаклашиди.

Мазкур дарчанинг очилиши муносабати билан ИХСРК бош ижрочи директори Айман Сежини баёнот берди:

“Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши, шубҳасиз, муассасаларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка хизмат қилишини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бунда ИХСРК мутахассисларининг “Ўзсаноатқурилишбанк”га кўрсатадиган маспаҳат хизматлари ва техник қўмағи алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунингдек, битим исломий молиялаштириш бўйича иштирокчи мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ҳамда ушбу хизматни ривожлантириш мақсадида Ислом молиялаштириш дастурлари доирасида илгари сурилаётган тажриба масалаларида қўмаклашади.

Ўзбекистонда Ислом молиялаштириш институтини ташкил этиш республика молия бозорини янги махсулотлар билан бойитиши. Исломий молия муассасалар ҳамда мамлакат банклари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиради, истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда янада кўпроқ имконият тақдим этади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки Ислом хусусий секторини ривожлантириш корпорацияси 1999 йилда таъсис этилган бўлиб, Ислом тараққиёт банки гуруҳи аъзоси ҳисобланади. ИХСРК асосий вазифаси иқтисодий ривожланиш масалаларида корпорацияга аъзо мамлакатларга қўмаклашиш ҳамда хусусий сектор соҳасига шариятнинг асосий тамойилларига мувофиқ молиявий маблағлар ва инвестицияларни ажратишга қаратилган.

Банк Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ СУДЛОВ ТИЗИМИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси маъмурий судлов тизими: жорий ҳолат ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тadbир Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази, BMT Тараққиёт дастури, ЕХТНинг Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва Германия халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IPZ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Самарқанд шаҳрида 2018 йилнинг ноябрь ойда Инсон ҳуқуқлари бўйича Оснё форуми натижалари бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” доирасида ташкил этилган конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган судьялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, Марказий Оснё давлатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон, АҚШ, Россия, Германия, Франция, Испания, Австрия, Арманистон, Беларусь, Украина каби давлатлардан экспертлар гуруҳи катнашди.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилов сўзга чиқди.

Таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган. Олий судловга эришиш даражасини ошириш бўйича халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган миллий йўналишда илмий ва амалий таҳрирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришига бешта устувор йўналиш бўйича Харакатлар стратегияси асосида соҳага оид қўшувчи янада такомиллаштирилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта қўриб чиқиш йўли билан 2018 йилда маъмурий судлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд иш-

ўтган йили Чимкентда ўтказилган Ўзбекистон – Қозоғистон биринчи ҳудудларо форумида қўймати 320 миллион АҚШ долларидан зиёд шартномалар имзоланган, ҳудудлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича 15 та келишувга эришилган эди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида шу йил тўртинчи чорагида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон – Қозоғистон иккинчи ҳудудларо форуми мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида иқтисодий шерикликни ривожлантириш каби манфаатли келишувларга бой бўлиши шубҳасиз.

Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Нукус шаҳарларида 10-21 май кунлари “Қозоғистон таълими кунлари” кўргазмасининг ташкил этилгани таълим соҳасидаги алоқалар фаоллашиб бораётганидан дарак.

Мамлакатимизда Қозоғистон йили доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда қўшни давлатнинг 42 та олий ўқув юрти делегациялари иштирок этди. Кўргазмаларда қўшни давлат университет ва институтларидаги кундузги, сиртки ва масофавий таълим тизими ҳақида тақдиротлар ташкил этилди.

Шунингдек, бугунги кунда малакали кадрлар тайёрлашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида олий таълим тизимида тажриба алмашишлар амалга ошириб келинмоқда. Тошкент фармацевтика ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти каби қатор олий таълим муассасаларида Қозоғистоннинг етакчи университетлари профессор-ўқитувчилари иштирокида ўқув семинарлар ташкил этилгани шулар жумласидан.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг нишонланаётгани мамлакатларимизнинг стратегик шериклик муносабатларини янада тараққий эттириш, янги ташаббусларни илгари суриш, халқларимиз бирдамлигини мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликни таъминлашдек муштарак мақсадларга эришишга қаратилган муҳим воқелиқдир.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА мухбири

Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ
УЧТЕПА ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-348-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги 1865-сонли қарори, халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг 2018 йил 29 декабрдаги “Учтепа туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 77/12-1-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги 02-4-сонли хатига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги 1865-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар: Учтепа туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджет асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

давлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетга ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман Молия бўлимига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришомаларига кўра, бюджетнинг харажат қисмига ўзгартиришлар киритишига рухсат берилсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар гуруҳи (Н.Саидов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш” бўлимининг Учтепа туман тармоқ администратори: Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.uchtepa.poytaxt.uz веб-сайтида жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Гиясов зиммасига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими Ш.Атамухамедов

2019 йил

АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов Хитойнинг ZTE телекоммуникация корпорациясининг етакчи вице-президенти Ван Сианг билан учрашди.

Шухрат Содиқов Хитой етакчи технологик компанияларининг Ўзбекистон бозоридagi фаол иштироки мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорлик ҳамда юртимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит самараси эканини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистонда қаттиқ ва мобил кенг полосуида интернет тармоғидан фойдаланиш тармоқларини кенгайтириш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Телекоммуникация тармоғида кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ван Сианг компания ўзбекистонда ўз фаолиятини юритишга тайёр эканини билдирди. Ушбу ҳамкорлик замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

(ЎЗА)



Фестиваллар

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Президентимизнинг халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш, миллий маданиятимиз, профессионал композиторлик ижодиётини чет эллик ҳамкасблар орасида тарғиб этиш, musiqa ва санъат соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор қарорлари ижроси доирасида дастуруламал ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 7-11 июнь кунлари I-Эш композиторлар халқаро фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Маданият вазирилик, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, В.Успенский номидаги РИМАЛ, Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш "Илҳом" Жамоат фонди ҳамийлигида ўтказилган мазкур фестивалда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон республикаларидан 10 га яқин истеъдодли ёш композиторлар ўз асарлари билан қатнашдилар.

— Бу фестиваль нафақат musiqa соҳасидаги иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш балки ўзбек musiқасини дунё сахналарида тараннум этиш, хориж мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. — дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев биз билан бўлган суҳбатда. — Зеро, musiqa шундай оҳанрабо, роҳатбахш нафис бир навони, унинг таъсирида инсон вужуди руҳий ором олади, энг гўзал ва энг ёруғ кунларга интилади. Кўнглида яхшилик, қалбида эзгулик, тилида эса ширин каломлар пайдо бўлаётгандай ҳис қилади ўзини. Шундай экан musiqa санъатини янада ривожлантиришга, тараққий эттиришга, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлашга, дилрабо, мўъжизакор сөхрли куй-қўшиқларни яратишга ҳаммаид бирдай ҳаракат қилишимиз лозим. Бундай фестиваллар эса ана шу эзгу мақсад йўлидаги хайрли ва нузли бир доводдир...

Фестивални илк дастурини Россия ва Татаристон Республикасида хизмат кўрсатган артист, таниқли композитор Рашид Калимуллиннинг муаллифлик концерти очиб берди.

Унда композиторнинг симфоник оркестр учун ёзган сара асарлари Халқаро танловлар совриндори Алибек Кабдурахманов дирижёрлигида Миллий симфоник оркестр ижросидаги оҳанрабо куй-қўшиқлари ижро этилди. Композиторнинг саксофон ва оркестр учун ёзган "Концерт" асари яқканавоз, Халқаро танловлар совриндори Владимир Кознов (Россия) ижросида янгради.

Эш композиторларнинг халқ чолғулари оркестри учун ёзган асарлари В.Успенский номидаги РИМАЛ катта залида Давлат академик халқ чолғулари оркестри жамоаси ижросида (дирижёр Дилшод Муталов) янграган наволари musiqa ихлосман-дарининг олқишларида сазовор бўлди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими ва Симфоник асарлар концерти Ёшлар ижод саройида Ёшлар симфоник оркестри жамоаси ижросида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолитдин Уринбоев дирижёрлигида янгради.

Фестиваль доирасида Р.Калимуллин (Россия) ва В.Кознов (Россия) иштирокида маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Фестиваль меҳмонларини Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, миллий маданиятимиз билан яқиндан таништириш, улар иштирокида вилоятларда ижодий учрашувлар ўтказиш мақсадида Хоразм вилоятига ижодий сафар уюштирилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тadbирдан лавҳа**

"Ҳар бир оила – тadbиркор" дастури — амалда

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда ёш тadbиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш ва шу асосда аҳолининг бандлигини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Сергели туманида истиқомат қилувчи 22 ёшли Хумора Наимова телевизион бошловчи ва дизайнер кўникмаларини эгаллади, инглиз, турк, рус ва қозоқ тилларида эркин сўзлашади. Шу сабабдан бўлса керак, уни энг оммалашиб кетган телекўрсатувлар концертлар ва таниқли маданият ва санъат намояндлари иштирок этадиган шоуларда кўриш мумкин.

Меҳнат фаолиятини Хумора умумтаълим мактабининг ижодий тўғарақ раҳбарлигидан бошлади. У ўсиб келаётган ёш авлодга билим улашар экан, ўзи устида ишлашни давом эттирди, менежмент ва бошқарув, дизайнерлик, нотиклик санъати курсларида таълим олди. Унга ўз кучи ва имкониятларига ишонинида талабчан ва меҳрибон онаси — тажрибали ва таниқли журналист Лайло Нажмуллаева яқиндан ёрдам берди.

Хумора 15 ёшидан бошлаб бир неча телеканалларда кўрсатувларни олиб боради, "Оилавий", "Маданият ва маърифат" телеканалларида тарбиявий, маънавий-маърифий, маданий ва кўнгли-оқшир кўрсатувларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади. Мувофиқлаштирувчи, дизайнер ва ҳатто гримёрлик вазифаларини аъло даражада уқдалайди. Хумора олиб борадиган она табият, Шарқ табобати сирларига бағишланган кўрсатувлари томошабинларда яхш таассурот қолдирган.

Иқтидорли Хумора Наимовани "Махалла" телеканалига миллий урф-одатларни асраб-авайлаш, Ўзбекистон халқ амалии санъатини ривожлантириш, тўй маросимларини ўтказишга бағишланган кўрсатувларда иштирок этиш учун таклиф қилинади. Кейинчалик бу иқтидорли қиз "МУ 5" ва "Севимли" телеканалларида монтаж бўйича мутахассис бўлиб ишлади. Ўзбектелефилм киностудия-

сида суратга олинган "Тугун" сериалида Жамила ролини муваффақиятли ижро этган. "Ўзбекино" киностудиясида суратга олинган "Махалла оқсоқоли" фильмида Ширин образини ижро этган.

Бундан икки йил аввал тadbиркор она ва қиз оилавий бизнесни йўлга қўйишга қарор қилишди ва "Laylo Najmullo films" МЧЖ фаолиятини йўлга қўйишди. Ҳозирги пайтда Хумора ижодий студия ишини муваффақиятли бошқармоқда. Бу ишда унга отаси Жавҳар Каримов, онаси Лайло Нажмуллаева, опаси Ҳилола Наимова яқиндан ёрдам бермоқда. Келажакда уларнинг сафига уқаси Мирзозулугбек ва синглизиси Мўминахон қўшилиш ниятида.

Айни пайтда Хумора Наимова ЎзЛиДеП аъзоси сифатида қўшимча иш ўринларини яратишга эътибор қаратмоқда. Масалан, "Наво" телеканали учун "Laylo Najmullo Films" ва "Эҳтиром ила" музиқали шоуларни тайёрлаш жараёнида 30 кишидан иборат ижодий гуруҳ иштирок этади.

— Биз келгусида ҳам ўз бизнесимизни кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамыз, — дейди Х.Наимова. — Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тadbиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори бизнинг хайрли ишларимизнинг асосини ташкил этади.

Яқин кунларда Хумора Наимова "Ташланган нон" ва "Муҳаббатингга ишон" телесериалларини суратга туширишга киришмоқчи. Ушбу лойиҳаларда 400 дан зиёд таниқли актёрлар, ижрочилар, дизайнерлар ва визажистлар иштирок этади.

**Х.УБАЙДУЛЛАЕВ
Тимур КАМИЛОВ олган сурат**



НОҚОНУНИЙ ВАЛЮТА САВДОСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда валютага оид ишларни тартибга солишининг бозор механизмлари жорий этилган бўлиб, унга кўра фуқаролар банкларнинг махсус шохобчаларида чет эл валютасини эркин сотишлари ҳамда амалдаги тартибга мувофиқ тижорат банкларининг конверсион бўлимларида эркин харид қилишлари мумкин.

Бироқ мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан қинғир йўлни танлаб, "қора бозор"да ноқонуний валюта олдир-сотдиси билан шуғулланаётган баъзи кимсалар ҳам учраб турибди.

Кўни кеча жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани судида мана шундай йўлдан адашган фуқаролар — Н.Ишмуродов ва С.Нишоновларнинг (исм-шарифлари ўзгартirilган) жиноят иши қўриб чиқилди.

Воқеа 2019 йилнинг 28 январь кўни Бектемир туманининг Янги ҳаёт кўчасида содир этилган бўлиб, унда ўзаро қариндош бўлган Н.Ишмуродов ва С.Нишонов аризачи фуқаро М.Замановадан 10 минг АҚШ долларини 85 миллион сўм эвазига сотаётган вақтларида Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖКК департаментининг Бектемир туман бўлими ходимлари томонидан тезкор тadbирда қўлга олинган.

Тергов давомида аниқланишича, Н.Ишмуродов ва С.Нишоновлар олдиндан ўзаро учрашиб, келишган ҳолда М.Замон-

нова билан телефон орқали гаплашган ва унга 10 минг АҚШ долларини 85 миллион сўм эвазига сотишларини маълум қилишган. М.Заманова бу ҳаракатлар қонунга зид эканлигини фаҳмлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга белгиланган тартибда ариза билан муурожаат этган.

Суд мажлисида судланувчилар айбларига иқроор ва амалда чин кўнгилдан пушаймон эканлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий шароитларини ҳисобга олиб, жазо тури ва миқдорини белгилашда энгиллик сўрашди.

Ўз ўрнида Тошкент шаҳар Бектемир тумани суди томонидан фуқаро Н.Ишмуродов ва С.Нишоновлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисмининг "б,в" бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиқда айбдор деб топилди, уларга қонунга мувофиқ тегишли жазо тайинлади.

**Бобир УТАМУРДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бектемир тумани суди судьяси**

Қарор ва ижро

"МАЪРИФАТ" ТАРҒИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида ташкил этилган "Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг тақдироти бўлиб ўтди.

Маънавият тарғиботчилари, профессор-олимлар, педагоглар ва фаол ёшлар иштирок этган мазкур тadbир-да жамиятнинг тарғиботчи аъзоларига кўрак нишонни ва аъзолик гувоҳномаси топширилди, турли вазирилик, идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаш маросими ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари А.Қодиров, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раиси С.Сайид, Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдухалимов, Вазирилар Маҳамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Қурбонов ва бошқалар халқимиз ва айниқса ёшлар маънавиятини юксалтириш, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш бугунги кун нафаси билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида "Маърифат" тарғиботчилар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида таъсис этилди. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, мамлакатимизда барча жаҳалларда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш ушбу ташкилот фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Ҳозирги кунда "Маърифат" тарғиботчилар жамиятида барча вазириклардан тасвия қилинган номзодлар, давлат ва жамоатчилик вакиллари, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат махсус тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилмоқда.

Шу билан бирга тарғиботчиларнинг республика миқёсида маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларига жалб этиш, соҳага янги қонини ёндашуни татиқ қилиш, уларни молиявий ва маънавий рағбатлантириш бориш, меҳнатини муносиб қадрлаш ҳамда "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танлови, "Маънавият фойдоси" кўрак нишонига тасвия этиш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, маънавий тарғибот ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишга доир анжуманлар, семинарлар, "Маънавият фестивали", "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" танлови ва бошқа ижодий-ижтимоий лойиҳаларни юқори савияда ташкил этиш каби вазифалар белгиланган.

Тadbирда "Узлуқсиз маънавий тарбия концепцияси" доирасида нашр этилган "Еш ота-она китоби", "Бахтли бола маънавияти" ҳамда "Маънавиятшунослик" китоблари тақдироти ўтказилди.

Гулнигор САТТОРОВА

МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШДА ОИЛАНING ЎРНИ

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёш оилалар сони 2 млн.дан ортиқни ташкил қилади.

Бутун дунёда содир бўлаётган оилавий муносабатлардаги инқироз даврида жамиятимизда оилалар мустаҳкамлигини асраш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий оғир ҳолатдаги ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги ажримларнинг олдини олиш муҳим омили ҳисобланади.

Турли жамоат ташкилотлари қатори Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида ҳам ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни оилага тайёрлаш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Оила — жамиятнинг маънавий пойдевори, миллатнинг тақдир ва келажиги. Оила муҳитининг соғломлиги, пиروверад натижада, жамиятнинг соғломлигига олиб келади. Оила қураётган ҳар бир ёш ўз ҳаётидаги бу масъулиятни, яъни ота-она бўлиш, насл қолдириш ва уларни тарбиялаб, билимли, одоб-ахлоқли қилиб воғага етказиш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масъулиятини чуқур ҳис этиши зарур. Бу масъулиятнинг пайдо бўлиши ҳар жиҳатдан оиладаги маънавий муҳитга боғлиқ. Катта ҳаёт оstonасида турган ҳар бир йилит-қиз бўлажак оиладаги ўзининг маънавий ўрнини аниқ тасаввур қилиши керак.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Cambridge Learning Complex"да "Ибралли оила" лойиҳаси доирасида "Муваффақиятга эришишда оиланинги ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ақил оила "Бахт саройи" деб таърифланади. Никоҳ ўқилганда шу сарой пойдеворида илк гишт қўйилади. Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Элбек Шуқуров ўз оиласи билан бирдамликда мазкур саройни қандай қилиб барпо этгани ва муваффақиятга эришишда оиланинги ўрни нақадар муҳим эканлиги тўғрисида ёшлар билан суҳбатлашди.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш, ёш авлод тарбиясида оила маънавиятининг ўрнини тўғри тушунириш мақсадида туманларда тарғибот тadbирлари соҳа мутахассислари иштирокида мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ўзаро очик мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Азизбек ИКРОМОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар
Кенгаши матбуот котиби**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашган 98-мактаб томонидан 2014 йилда Раҳимжонов Миржалол Расулжон ўғли номига берилган У № 6753397 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "UCH QAXRAMON ULGURI SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига тегишли 01743 ODA давлат рақамли "Камаз" 5511 юк машинаси учун 27.03.2019 йилда берилган шахар ва шахар атрофида юк ташиш ҳуқуқини бериувчи АТ серияли № 24333649 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Ватанпарвар"

БЎШ ВАҚТЛАРИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти мана кўп йилдирки ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири келажакимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Ташкилот томонидан ташкил этилаётган мусобақалар ҳам айнан шу хайрли мақсадларга қаратилган.

Республика техник ва амалий спорт турлари марказида Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги Ҳуқ спорт техника клублари ўртасида спортнинг пневматик қуролдан ўқ отиш тури бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилигининг учинчи босқич мусобақаси ўтказилди.

Тadbирда Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилотининг спорт ишлари бўйича раис учун тинимсиз Маъруф Джалолов сўзга чиқди ва иштирокчиларга омад тилаб, чемпионатни очик деб эълон қилди.

48 дан ортиқ мусобақа қатнашчилари ўз жамоалари ва Ҳуқ спорт техника клублари шаънини ҳимоя қилишди. Фолиблик учун астойдил ҳаракат қилишганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ёшларимизни олдиндан олий ўрин учун тинимсиз ҳаракат қилишгани чемпионат давомидаги саъй-ҳаракатларидан сезилди.

Мусобақада жамоавий натижа-

ларга кўра, 1-ўринни Республика техник ва амалий спорт турлари маркази жамоаси эгаллади. 2-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод УСТК" унитар корхонасига насиб этди. "Ватанпарвар" ташкилоти "Учтепа УСТК" унитар корхонаси эса 3-ўринни эгаллади.

— Бундай мусобақалар албатта биз, ёшларни соғлом, матонатли ва жасур қилиб тарбиялашда ўз таъсирини кўрсатади деб ўйлайман, — дейди мусобақанинг ВП-3 синфида голиб бўлган Суннатилло Аҳмедов. — Мазкур мусобақада голибликни қўлга киритишда мураббийларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мусобақада мен каби ёшларнинг спортнинг техник ва амалий турларига бўлган қизиқишини янада кўчатириб, ғалабага бўлган интилишини орттирди. Келажакда бундан-да юқори марраларни кўзлаб, республикамизнинг олий таълим муассасаларидан бирига ўқишга киришни режалаштирдим.

Фолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилган "Анор" болалар соғломлаштириш оромгоҳининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшма Федерацияси мутасаддилари, фахрийлар ва ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида амалга ошириладиган ислохот ва янгиланишларнинг энг аввало инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 5 ташаббусда ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани, айниқса ёш авлод камолоти йўналишида улкан эзгу мақсад ва вазифалар муҳассам эканлиги қайд этилди. Таъкидлаш зарурки Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Анор" болалар соғломлаштириш оромгоҳининг барпо этилиши ҳам маъруз 5 ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида қаратилган.

Маъруз болалар соғломлаштириш оромгоҳи 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар фарзандларини ўз қучоғига олди. 10 гектардан зиёд майдонда қурилиб, фойдаланишга топширилган ушбу масканда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари учун 25 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланганлигининг ўзига мамлакатимизда ёш авлод вакилларини ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилганлигининг ёркин далилидир.

Ҳаётининг талабларига мос равишда барпо этилган "Анор" болалар соғломлаштириш мажмуи ўзининг муқобили йўқлиги билан ажралиб туради десак муболаға бўлмайди. Хусусан, "Анор" оромгоҳи тома маънода ўғил-қизларни нафақат мароқли дам олдирди ва жисмонан чиниктириш, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини мустақамлашга хизмат қилувчи марказ сифатида иш бошлади. Бунинг учун масканда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, меҳнаткашлар фарзандлари учун ажойиб тўхта бўлган ушбу оромгоҳда барча қулайликларга эга Маданият ва маърифат маркази, ўзбек мутафаккирлари ва адабиёт намояндлари билан бир қаторда ҳаётининг дурдоналари сирасига кирувчи бой китоблар захирасига эга замонавий Ахборот-ресурс маркази, энг сўнгги русумдаги кўргазмалар воситалари ва жиҳозлар билан таъминланган тўғарақ хоналари, маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган салобатли тантаналар майдони, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи ва махсус иситиш тизимига эга бўлган сузиш ҳавзаси, болалар майдончалари, замонавий лойиҳалар асосидаги ётоқ бинолари, барча шарт-шароитлар ва қулайликларга эга бўлган ошхона, ювиниш хоналари, оромгоҳда ота-оналар учун шинама суҳбат айвончалари ҳам барпо этилган. Ушбу ишоотларнинг барчаси бугун болажонлар камолотига хизмат қилмоқда.

Ёз ўтмоқда – соз



қизиқарли бўлишини таъминламоқда. Болажонлар учун мўлжалланган бадиий адабиётлар билан таъминланган кутубхона ҳам доимо гавжум бўлиб, уларнинг китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Оромгоҳдаги барча хоналар алоҳида дид асосида энг замонавий меъморлик, маиший техника жиҳозлари, ошхона анжомлари билан таъминланган. Кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари билан бирга болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кўргазмалар бурчаклар ташкил этилган янада аҳамиятлидир.

"АНОР" БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИ ИШ БОШЛАДИ

ламалар тайёрланиб, овқатланиш рационаси дармондориларга бой таомлар билан бойитилмоқда. Жорий йилда 5 навбатда фаолият юритиши кўзда тутилган янги оромгоҳда 1000 нафардан зиёд ўғил-қиз мароқли дам олиб, саломатлигини мустақамлайди.

Дам олаётган болажонларнинг хорижий тиллар ва компьютер бўйича билимлари оширилмоқда. Шунингдек, "Ёш китобхонлар", "Тасвирий санъат", "Моҳир кўллар", "Хореография", "Жисмоний тарбия ва спорт", "Расомчиллик", "Бисер тикиш" каби 10 га яқин тўғарақ машғулларда эса болажонлар ўзлари қизиққан йўналишларда машғуллар ўтмоқдалар. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳамкор вазирликлар иштирокида болалар учун махсус саралаб олинган шеърлар, куй ва қўшиқлар тўпламлари, бадиий ва анимацион фильмлар ўғил-қизлар билан ўтказиладиган таълим-тарбиявий жараёнларнинг янада

Оромгоҳдаги барча хоналар алоҳида дид асосида энг замонавий меъморлик, маиший техника жиҳозлари, ошхона анжомлари билан таъминланган. Кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари билан бирга болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кўргазмалар бурчаклар ташкил этилган янада аҳамиятлидир.

"Анор" оромгоҳининг тантанали очилиш маросими "Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакати" мавзусидаги маданий-маърифий тадбир ҳамда "Касаба уюшмалари – болаларга" акциясига улашиб кетди. Тантаналар давомида республикамизда амалга ошириладиган ислохотлар, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти, уларнинг барчаси инсон манфаатларига хизмат қилаётгани, ёш авлод вакилларига кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрликларнинг аҳамияти болаларга хос қилиш ва саҳна кўринишлари орқали ифода этилди. "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида эса болажонларга совғалар ҳадя этилди.

Оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизлар иштирокида ташкил этилган концерт дастурида ёш авлод вакиллари она Ватанимизда бугунги кунда ёш авлод камолоти учун кўрсатиладиган эътибор, ўғил-қизларнинг ўз салоҳиятларини намойён этишлари учун давлатимиз томонидан яратиб бериладиган имкониятларни, барқарор тинчлигимиз ва мусофқосмонимизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқларни ихро этидилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати раҳбари СУРАТДА: тадбирдан лаҳза

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ болангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига "Узсанотқурилишбанк" АТБ Рақат филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 2а-уй манзилида сакланган "NEXIA DONS" русумли, давлат рақами 01/678 JFA 2013 йилда ишлаб чиқарилган, болангич баҳоси – 41 363 315 сўм бўлган автотранспорт воситаси такордан қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2019 йил 2 июль куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 28 июль куни соат 18:00 гача. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2019 йил 2 июль куни сотилмаган тақдирда такорий савдолар 2019 йил 9, 16, 23, 30 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 9 июлдаги савдо учун 5 июль, 16 июлдаги савдо учун 12 июль, 23 июлдаги савдо учун 19 июль, 30 июлдаги савдо учун 26 июль куни соат 18:00. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун арiza, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома такдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк болангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмazor филиалидаги қўйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмazor тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. Гувоҳнома №001805

"Respublika mulk markazi" МЧЖ болангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига "Узсанотқурилишбанк" АТБ Миробод филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй манзилида сакланган қўйдаги автотранспорт воситаси такордан қўйилмоқда. "NEXIA" русумли, давлат рақами 01/194 TSA бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, болангич баҳоси – 41 531 081 сўм. Аукцион савдоси 2019 йил 1 июль куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 28 июль куни соат 18:00 гача. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2019 йил 1 июль куни сотилмаган тақдирда такорий савдоси 2019 йил 16, 23, 30 июль кунлари соат 15:00дан бўлиб ўтади такорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 16 июлдаги савдо учун 12 июль, 23 июлдаги савдо учун 19 июль, 30 июлдаги савдо учун 26 июль кунлари соат 18:00гача. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун арiza, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома такдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк болангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмazor филиалидаги қўйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмazor тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. Гувоҳнома №001805

Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-хўнар коллежи томонидан 2012 йилда Аджимамудов Темурбек Тоҳир ўғли номига берилган К № 2731051 рақамли (0322-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент туризм касб-хўнар коллежи томонидан 2016 йилда Алиев Абдумажид Абдусалом ўғли номига берилган К № 4470270 рақамли (8470-рўйхат рақамли) дипломини иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Футбол янгилеклари

МАХСУС СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Миллионлар ўйини – футболнинг янада оммалашishi, Суперлига, Про-лига жамоалари ўртасидаги биринчилик баҳслари, Ўзбекистон кубоги беллашувлари олдида мухлисларга тезкор хабарларни етказишда клублар матбуот хизмати вакиллари роли беқиёс.

Тан олиш керак, кейинги йилларда футбол-лигимизда матбуот хизмати анча ривожланди. Ҳар ҳолда эндиликда клубларда матбуот хизмати барқарор иш олиб бормоқда, ҳар бир ўйиндан аввал, футбол воқеалари, жамоага оид янгилеклар мухлисларга матбуот хизмати ходимлари томонидан тезкорлик билан етказилмоқда.

ФУТБОЛЧИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНАДИ

Мухлисларга маълумки, 1979-1981 йилларда "Пахтакор" шарафини ҳимоя қилган Зураб Церетели ўзининг чиройли ўйинлари билан мамлакатимизнинг бош жамоаси галабаларига муносиб ҳисса қўшган.

"Пахтакор" клубининг "Телеграм"даги расмий саҳифасида хабар қилинишича, грузиялик футболчи Зураб Церетели ҳақида фильм суратга олинди. 1979 йилнинг 11 августидан рўй берган муҳим авиакатастрофдан кейин "Пахтакор"га ёрдам бериш мақсадида Кутаисининг "Торпедо" клубидан Зураб Церетели келган ва икки йил тошкентликлар сафида тўп сурган. Фильмни тасвирга олиш ишлари билан шуғулланётган ижодий гуруҳ вакиллари Церетелининг қизи Анна Церетели ҳамда Грузиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Зураб Абдушелишвили ҳамкорлигида "Пахтакор" бош директори Дмитрий Адисман билан учрашишди. Унда томонлар янги фильм ҳақида фикр алмашишдан ташқари, икки юрт футболчи ҳақидаги боғлиқликлар ҳусусида ҳам суҳбатлашишди.

НИМЧОРАК ФИНАЛГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Яқинда ЎФА ва ПФЛ ҳамкорликларида Ўзбекистон кубоги нимчорак финал (учинчи раунд)га қуръа ташлаш маросими уюштирилди.

Унда Ўзбекистон кубогининг навбатдаги босқичида қатнашадиган 24 та жамоа 12 та жуфтликка бўлинди. Регламентга қўра, клублар саватчаларга ажратилмади. Ўтган йилги биринчилик совриндорлари – "Локомотив", "Пахтакор", "Навбахор" ҳамда Ўзбекистон кубоги соҳиби АГМК жамоалари ҳамда учинчи босқичнинг 12 та голиби кейинги босқичга чиқди. Ўзбекистон кубоги навбатдаги босқичи ўйинларини 19 ва 26 июль кунлари ўтказиш режалаштирилмоқда.

Санъат

МУСИҚА ҲАМИША ЯНГИЛИККА ҲАМОҲАНГ ЯРАЛАДИ

Жуда тез суръатда ривожланиб бораётган замонамизда ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва телевидение орқали деярли ҳар куни ноодатий янгилеклардан бахраманд бўлаётган бугунги кун кишиларини янги гоълар, янги фикрларси қайсидир соҳага жалб этиш мушкул.

Шу жумладан муסיқага ҳам. Чунки бугунги кун тингловчинининг янги ижрочилар ва янги икром услублари билан бир қаторда янги муаллифларга ҳам бўлган эҳтиёжи юқори эканлиги охири йилларда яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Тан олиб айтишимиз керакки, репертуарларимизни бойитиб турган классисизм, романтизм ва импрессионизм оқими композиторлари асарлари анъанга айланиб улгурган репертуарлар ҳисобланади. Янги муаллифларни излаб топиш ва уни тарғиб қилиш эса бугунги кун муסיқасининг талаби.

Бирок, ҳозир ахборот алмашинувининг энг қўлай воситаси ҳисобланган интернет замонида ҳам фақат мавжуд адабиётларгагина мурожаат қиладиган фортепиано ижрочилик мактаблари вакиллари йўқ эмас.

Янги композиторни кашф қилиш муסיқада янги дунё яратиш билан баробардир. Чунки ҳар бир муаллифга тегишли бўлган янги услуб ижрочиди муסיқага бўлган янги фикрни уйғотиш, унинг дунёқарашини кенгайтириши. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, таъкидлаш керакки, юқориди келтирилб ўтилган оқим композиторлари асарларини ўрганиш билан бир қаторда янги муаллифлар ижодида эътибор бериш, ижрочиди улар услубини солиштириш имконини беради ва бунинг асосида икром кўникмалари пайдо бўлишига туртки бўлади.

Шу томонларини инобатга олган ҳолда кўпчилик учун нотани билган композитор Эдуард Мак Доуелл ижодини тарғиб қилиш ўринлидир деб ҳисоблайман.

Романтизм даври композитори, америкалик машҳур пиониначи Эдуард Александр Мак Доуелл 1860 йил 18 декабрда Нью-Йорк шаҳрида квакер оиласида дунёга келди. У муסיқадаги илк сабақларни АКШда колумбиялик скрипкачи Хуан Буйтрагондан ола бошлади.

1876 йили таълимини давом эттириш мақсадида Париж консерваториясига ўқишга кириди ва бу ерда Клод Дебюсси билан биргаликда фортепиано бўйича Антуан Мармонтел синфиди ўқиб бошлади. Композитор талабалик йилларида Артур Рубинштейн ижрочисиди эшитган Чайковскийнинг фортепиано ва оркестр учун ёзилган биринчи концерти унинг Париж пианистлик мактабидан қониқиб ҳис қилмай қўйишига ва Борбора консерваторияни тарк этиб Германияга қўчиб кетишига сабаб бўлди. 1880 йил Хох консерваториясиди, композиция бўйича Карл Хайман синфиди ўқишини тугаллаб, Смит академиясиди фортепианодан дарс бера бошлаган. Эдуард Мак Доуелл орандан икки йил ўтиб Ференс Лиц билан учрашди ва унга ўзининг биринчи фортепиано ва оркестр учун ёзилган концертини ижро қилиб беради. Бу учрашув бўлажак композитор учун жуда катта таассуротлар қолдирган. Булажак муסיқачи 1888 йилда Германияда яшайди ва айнан шу йили Америка муסיқий ҳаётини қайта тиклаш мақсадида юртига қайтиб келиб, "Бошон" симфоник оркестри жўрлигида ўзининг илк яқкаҳон концерт дастурини томошабинларга такдим этади.

1896-1904-йиллар оралиғиди Колумбия университетиди педагогик фаолиятини олиб борган Эдуард Мак Доуеллга ўша йилларда А-Схда "муסיқий фанлар профессори" унвонини эгаллаган биринчи композитор сифатида қаралади. Умининг охириги йилларида у ўз шериклари: Жон Ноулз, Артур Фуг, Жорж Чедуки, Эми Бич, Горатсий Паркерлар билан биргаликда "Бошон олтилиги" номидаги композиторлар даврасини ташкил қилишди ва Америка муסיқа академиясини яратишди. Уларнинг амалга оширган бу ҳаракати Америка муסיқаси ривожига қўшилган энг катта ҳисса деб ҳисобланади. Америкалик машҳур пианист, истеъдодли композитор ва тажрибали педагог Эдуард Александр Мак Доуелл 1908 йилнинг 23 январиди тасодифий касаллик туфайли ижодининг энг гуллаган даврида 47 ёшида ҳаётдан кўз юмади.

Мак Доуелл композиторлик фаолияти давомида асосан фортепиано учун сонахасус ижод қилди. Унинг фортепиано учун ёзган туртта синахасус, ("Трагическая", "Героическая", "Норвежская" ва "Келтская") қатор этюдлари ва соитларни америка мусиқаси хазинасидан муносиб ўрин эгаллашди.

Мак Доуелл асарлари умумий ўқашлик томонлари билан бир-бирига жуда яқин бўлиб, бу ҳолат унинг этюдларида айниқса сезилади. Мураккаб этюдлар туркумидан ўрин олган ўн икки этюднинг ҳар бири кўптегина мавзулар, мураккаб пассажлар ва ноодатий услубларга бой бўлиб, ўқувчининг ижрочилик маҳоратини оширишга асосланади. Этюдларга берилган номлар эса ижрочиди асарни шунчаки машқ деб эмас, бутун бир мукаммал песа сифатида ижро қилиш мумкин деган фикрни уйғотиши ва бунинг асосида унда товуш билан ишлаш томонлари ривожланди.

Юқориди Эдуард Мак Доуелл ижодида келтирилган ижобий баҳолар ҳулосаси деб, ижрочини ҳам техник, ҳам мавзу жиҳатдан ўстирадиган асарлар сифатида композитор ижодини олий ўқув юртилари ҳамда муסיқа академик лицейлари репертуарларига олиб киришини тавсия қиламан.

Нигора ХУСАНОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси фортепиано кафедраси катта ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ташмухамедова Мунаввара Махметовна номига 2011 йил 30 июнда берилган № 50 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 18 июль куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради. Шарқдан қўриқиб келиши ушартиран шимол секунди-га 5-10, қуцайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 17-19, кундузи – 33-35 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 18 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб келишига имконият яради, инфослашиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терижди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқди. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2024 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ